

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ДАВРЛАРИНИНГ ЕВРОПА ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ ТАРАҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Сайидов Қахрамон Бектурдиевич

Урганч Давлат Университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7073527>

Аннотация. Мазкур мақолада, Европа маданияти ва цивилизациясини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилиб, ундаги ўзига хосликларни очиб берилди, Европа маданияти ва цивилизацияси дунёга тарқалиши ҳамда Халқлар, давлатлар, сиёсат ва дин, санъатнинг барча турлари, барча фанлар ва билимлар инсон мавжудлигининг қадимий феномени бўлган шаҳарлар мавжуд бўлганлиги тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: цивилизация, цивилизация ва маданиятнинг яратилиши, ривожланиши, халқлар, давлатлар, сиёсат ва дин, санъатнинг барча турлари, барча фанлар, сарой, ҳовли, шунингдек, шаҳар образи, шаҳар маданиятини, ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий ва архитектура маданияти.

МЕСТО И РОЛЬ ЭПОХ ПРОСВЕЩЕНИЯ В СОЦИОКУЛЬТУРНОМ РАЗВИТИИ ЕВРОПЫ

Аннотация. В данной статье рассматривается европейская культура и цивилизация с социально-философской точки зрения, раскрываются ее особенности, распространение европейской культуры и цивилизации в мире, города, в которых живут народы, государства, политика и религия, все виды искусства, все науки и знания являются древним явлением человеческого бытия. Экзистенция исследуется.

Ключевые слова: цивилизация, создание цивилизации и культуры, развитие, нации, государства, политика и религия, все виды искусства, все науки, дворец, двор, а также образ города, городская культура, социокультурная, политическая, экономическая и архитектурной культуры.

THE PLACE AND ROLE OF THE ENLIGHTENMENT PERIODS IN EUROPEAN SOCIO-CULTURAL DEVELOPMENT

Abstract. This article discusses European culture and civilization from a socio-philosophical point of view, reveals its features, the spread of European culture and civilization in the world, cities in which peoples, states, politics and religion live, all types of art, all sciences and knowledge are ancient phenomenon of human existence. Existence is investigated

Keywords: civilization, the creation of civilization and culture, development, nations, states, politics and religion, all kinds of arts, all sciences, palace, courtyard, as well as the image of the city, urban culture, socio-cultural, political, economic and architectural culture.

КИРИШ

Европа цивилизацияси тўғрисида гапирганда, аввало О.Шпенглерни тилга олишади. Айнан О.Шпенглер Европа маданияти ва цивилизациясини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиб, ундаги ўзига хосликларни очиб берган. Унинг фикрига кўра, Европа маданияти ва цивилизацияси дунёга тарқалган. Агар миср маданияти ва цивилизацияси ўзи билан ўзи банд бўлса, ташқи алоқаларни ва таъсирларни деярли рад этса, Ғарбий Европа маданияти аксинча, “ташқи контактлар кидиради”. Шу нуқтаи назардан файласуф Европа маданиятини “юксак”, “улуғ” каби эпитетлар билан атади. Унинг фикрича, бундай буюк маданиятни фақат шаҳар яратади. “Юқори” иккимингинчи

йил одами, -деб ёзади файласуф, у шаҳарлар курувчи ҳайвондир. Бу “жаҳон тарихи”даги кишилиқ тарихидан тубдан фарқ қилувчи воқелиқдир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жаҳон тарихи шаҳар одами тарихидир. Халқлар, давлатлар, сиёсат ва дин, санъатнинг барча турлари, барча фанлар ва билимлар инсон мавжудлигининг қадимий феномени бўлган шаҳардандир”. Файласуф шаҳарлар бутун цивилизациянинг маркази бўлиб келганини, цивилизация ва маданиятнинг яратилиши, ривожланиши шаҳарлар билан боғлиқлигини таъкидлайди. Файласуф илмий истеъмолга “шаҳар руҳи” деган тушунчани киритади ва унинг моҳиятини қишлоқ ва бошқа агломерациялардан фарқланишини уқтиради. Шу муносабат билан у ёзади: “Ўз тарихига эга қишлоқ ҳовлиларидан қандайдир бутун нарса ҳосил бўлади. Ушбу бутун нарса яшайди, нафас олади, ўсади, ўз шакли, тарихи ва ички кўринишига эга бўлади. Ушбу вақтдан бошлаб нафақат айрим уй, сарой, ҳовли, шунингдек, шаҳар образи, худди яхлитлик каби, шаҳар маданиятини изоҳлаб келувчи тили шаклига ва стили тарихига эга бўлади. Табиийки, шаҳар ва қишлоқ сарҳадлари билан эмас, балки руҳи билан бир биридан фарқ қиладиган бўлади. Шаҳар кишиси билан қишлоқ кишиси турли мавжудотлардир. Бошда улар ушбу фарқни сезадилар, кейин бу фарқ улардан устун келади ва, охир натижада, улар бир бирини тушунмайдилар”.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қисқа қилиб айтганда, О.Шпенглер фикрига кўра, инсоният эъзозлайдиган маданий артефактлар, бойлиқлар шаҳарда яратилган. Лекин О. Шпенглер замонавий шаҳар тавсифини табиатга, қишлоққа қарши кўяди. “Агар, деб ёзади у, провинциал шаҳар маҳаллий табиатни такрорлашга интилса, кейинроқ пайдо бўлган шаҳарлар унга қаршилиқ кўрсатади. Уларнинг чизгилари табиат чизгиларига зиддир. Улар табиатни рад этади. Улар қандайдир бошқа нарса ва табиатдан юқори бўлишни истади. Тик томлар, барокко стилидаги куполлар, шпиллар ва деворлардаги тифли бўртмаларнинг табиатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кейин баҳайбат дунёвий шаҳар, ёнида ундан бошқа шаҳар бўлиши мумкин эмас, ландшафт образини маҳв этувчи йирик шаҳар пайдо бўлади”.

Шу тариқа О.Шпенглер, мамлакатнинг бутун ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий ва архитектура маданияти шаҳар билан боғлиқ, деган хулосага келади. “Шаҳарруҳ. Катта шаҳар бу эркин руҳ. Шаҳар нафақат руҳ, упул ҳамдир”. Бу билан файласуф бутун ҳокимият, бошқариш, завқу қувонч ва молиявий ҳаётга оид муаммолар ҳам шаҳар кўлида демоқчи бўлади. Аммо файласуфнинг фикрларини шаҳарнинг ролини таъкидалашдангина иборат эмас, ушбу шаҳар маданиятининг цивилизацияга ўсиб чиқишида кўради. Минг афсуски, шу билан, яъни цивилизацияга ўтиш билан шаҳар маданиятининг яратувчанлик функцияси тугайди, унинг кўйнида туғилган маданият, дин, ахлоқ ва артефактлар бошқа босқичга, цивилизация босқичига ўтади.

Йирик шаҳарларнинг юзага келиши цивилизацияда ўз якунини топади. Уни О.Шпенглер, дастлабки бозор муносабатлари орқали вужудга келган шаҳар маданияти “ўз жони ва руҳини ушбу бекиёс ривожланиш ва унинг тожи бўлган цивилизация руҳига қурбон этади”, деб ҳисоблайди. Бу ўринда файласуфнинг инсоният тараққиёти босқичи цивилизацияга ўтиш билан ўз якунини топади, бундан кейин ҳаёт, ривожланиш ва кишиларнинг ўзига, ижтимоий борлиққа, келажакка муносабати мутлақ бошқа мезонлар билан ўлчанади, мутлақ бошқа нарсаларда, бойлиқларда акс этади, деган хулосасига дуч

келамиз.” Агар илгариги давр шаҳарнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлса, кейингиси эса шаҳар билан қишлоқ ўртасидани кураш, цивилизация эса шаҳарнинг муваффақиятини англатади, шу тариқа у ўзини яратган негиздан ажралиб чиқади ва ўзини ўзи маҳв этади”. Цивилизация шаҳар маданияти асосида юзага келган нарсалар рад этади, унинг тили “тош ва рух” тилидир. Мазкур тилда тақдир эмас, фақат сабаб изи бор, унда жонли ҳаётнинг мавжлари йўқ. Шунинг учун шаҳар маданияти шаклланган жойини ифода этади, негизи билан чуқур боғланган, цивилизация эса ҳар қандай жойга мослашиб, барча жойда ўзини ўз уйидагидек сезади.

МУҲОКАМА

Маданият барқарор нарса, бойлик, цивилизация эса доим янгиланиш, беқарор, ўзини ўзи ривожлантириб туриш хусусиятига эга, барқарорлик унга консерватизм, қолоқлик ифодаси бўлиб туюлади. Цивилизация маданият ривожланишининг якуний босқичидир. Бу жараён антик даврнинг IV юз йиллигида, Ғарбда эса XIX асрда рўй берди.

Цивилизация бир хилликни яъни унификацияни, тез ва осон тарқалишни англатади. Барча жойда, Ҳинд дарёси бўйларида Орол денгизигача ғарб колонналарини, бир хилликни, яъни Берлин, Лондон ёки Нью Йоркни, уларнинг стилини, яшаш тарзи ва символларини кўриш мумкин. Файласуфнинг цивилизацияни организм, яъни туғилиш, шаклланиш, ривожланиш, қариш ва ўлиш тарзида тадқиқ этиши ҳақида илмий, ижтимоий-фалсафий адабиётларда кўп ва гоҳо қарама-қарши фикрлар билдирилган. Ғарбий Европа давлатлари маданиятини мутахассислар турли даврларга бўлиб қарашса-да, уларнинг барчаси икки босқични антик давр ва Уйғониш даврини алоҳида қайд этишади. Академик А.Ф.Лосевнинг кўрсатишича, бутун Европа маданияти ва санъати Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римга ўз нигоҳини тикиб, улардан илҳомланиб, ижтимоий ҳаётини қайтадан тиклаб, ижодкорлар руҳини уйғотиб ривожланган. Бирорта халқ, миллий санъат, фалсафа ва тафаккур уларнинг таъсиридан чеккада қолмаган, бу ҳақиқий Ренессанс эдики, ушбу маданий ривожланиш кейинги тараққиётни белгилаб берган. Ушбу Ренессанс бошида Италия турган, албатта.

Машҳур ижодкорлар Браманте, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фра Бартоломео ва Рафаэль нафақат диний, фалсафий йўналишда, шунингдек, архитектура, скульптура, монументал санъатда ҳам мутлақ янги йўналишлар яратдилар. Шаҳарлар алоҳида кўриниш касб этди, уларни ибодатхоналар, черковлар билан безатиш муҳим фазилатга айланди. Ушбу диний-этикодий аҳамиятга эга иншоотлар ўзининг моҳобати ва кўриниши билан чекка жойлардаги аҳолини ўзига жалб этди. “Монастирлик санъати шаҳар ратуши (маркази) ролини ҳам бажарди ва ушбу санъатга моҳир архитекторлар, рангасвирчилар, ҳайкалторош ва уларнинг ҳомийларини жалб этди”. Д.А.Браманте (1444-1515) нинг Темплетто, доира шаклидаги унча катта бўлмаган Сан Пьетроин Монторни ёнидаги ибодатхона, Санта Мария делла Паче ёнидаги монастир, Санта Мария дель Пополо ибодатхонаси, Сан Бианджио Идораси саройи, Римдаги авлиё Петр ибодатхонаси кабиларни яратиб, уларни мармар устунлар, барельфлар, орнаментлар ва ҳайкаллар билан безатди. Ушбу иншоотларни кўрган киши ўзини қандайдир мўъжиза, эстетик етуклик намуналарини ва илоҳий даъватларни фрескалар ва колонналарда кўрарди. Саройларнинг ташқи кўриниши одатий бинолардан кескин фарқ қилган, улар яшаш учун эмас, балки Римнинг шон-шухратини тараннум этишни назарда тутарди. Пулдор герцоглар ва князлар шундай бетакрор иншоотлар, кўчалар, идоралар ва

монастирлар қуришни ўзининг бурчи деб билган, улар моҳир ижодкорларни ўзига жалб этишда бир биридан ўзишга интиланган.

Уйғониш даврининг яна бир, балки энг етакчиси, Леонардо да Винчи (1452-1519) ижоди ва фаолиятида ўша даврдаги барча санъат ва илм-фан турлари ўз мужассамини топди. Ундан қолган 5 мингдан ортиқ қўлёзмалар, чизма ва наброскалар, эскиз ва хомакки ёзувлар, саройлар ва ибодатхоналарни беазаган рангасвирлар, ҳайкаллар шунчалик мафтункор эдики, Италиялик ҳар бир герцог, князь уни ўзига хизмат қилдиришни шараф деб билган. Микеланжело (1475 - 1564), К.Вёрман таърифига кўра, “қачонлардасир ер юзида яшаган энг қудратли ижодкор шахс”дир. “Унгача ҳам, ундан кейин ҳам замондошларга ва авлодларга ҳеч бир ижодкор Микеланжодек кучли таъсир этган эмас. Ижодкорнинг “Вахх”, “Таъзиядаги Мария”, Давид”, Юлий 11 ва Ж. ҳамда Л. Медичининг қабртошлари, “Ҳолдан толган қул” каби кўплаб ҳайкаллари Италиядаги иншоотларни, айниқса саройларни беазаган. Бу асарлар шунчаки беазақлар эмас эди, улар Римнинг қанчалик бойликка, шарафга эга эканини ҳам кўрсатиши лозим эди. Тўғри, бу асарларни омма учун яратилган дейиш қийин, улардаги фалсафий-эстетик моҳиятни тор доирадаги кишилар тушуниши ва қадрлаши мумкин эди. О.Шпенглер антик даврдаги асарларда оммага, ҳар бир кишига тушунарли руҳ бор эди, Уйғониш даврида ва ундан кейинги яратилган асарлар тор кишиларга мўлжалланган, аста-секин бу анъана цивилизацияга ўтган, деб ҳисоблаганида ҳақ эди.

ХУЛОСА

Хуллас, шаҳарлар ролини ошириши уларда йиғилган моддий ва маънавий бойликлар, янгиликка ва зеб-зийнатга, ҳашамга интилиш билан ҳам боғлиқ эди, албатта. Л.Брагина ёзишича, италиялик буюк ижодкорлар “ренессанс идеали бўлган шаҳарни яратиш билан қизиққанлар”. Рим, Болонья, Сиена, Уфицци ва Флоренция каби шаҳарлар савдо-сотик марказлари, йирик ибодатхоналар, кутубхона, музей ва сарой аҳлига мўлжалланган уйлар, бинолар, боғлар, сайргоҳлар, театр ва оммавий томошагоҳлар билан аҳолининг қизиқишини, ҳайратини ўзига жалб этган. Тарихий адабиётларнинг гувоҳлик беришича, Италиянинг замонавий маданияти, аҳолисининг турмуш тарзи, диний қадриятлари ва оламни англаши ана шу даврда гуллаб яшнаган Рим, Неапол, Милан, Флоренция, Венеция, Римини, Равелло каби метрополлар ана шу Уйғониш даврида шаклланган анъаналарини давом эттириб келади. Римнинг “жаҳон пойтахти” сифатида тилга олинishi, айниқса католицизм маркази сифатида Ватиканнинг дунё ҳаётига таъсири уни йирик мегаполисга айлантирган. Бугун Италияда 436 та шаҳар мавжуд. Улардан Флоренция, Пиза, Лукка, Сиена, Анкона, Салерно, Амальфи, Бари, Неаполь ва Тирани шаҳар давлатлар ҳисобланган. Апеннин ярим оролида жойлашган бу шаҳар давлатларда IX-XV асрларгача мустақил ва йирик савдо-сотик марказлари, аҳолининг турли эҳтиёжларига хизмат қилувчи маданият ва санъат, хизматлар инфратузилмаси шаклланган эди. Кейинчалик улар Сицилий қироллигига бирлашган. Ареццо, Брешиа, Кремона, Генуя, Лоди, Милан, Перуджа, Туринэса коммуналар тарзида мавжуд эди. Бироқ Италия худудларидаги тараққиёт ва чет элликлар ҳужумларига муносабат турилича эди. Масалан, Флоренция ва Венеция жуғрофий жойлашиши, ўзини ҳимоя қилишга тайёрлиги нуқтаи назаридан кўпроқ мустақил ривожланган. Шу сабабли Европанинг таъсири Италияга жуда ҳам сезилмаган. XIII асрга келиб, Европа таъсирида, аҳоли сони ўса бошлади, шаҳарлар маданиятида жонланиш ва аҳоли сонининг ўсиши кузатилади. Венеция, Флоренция ва

Милан аҳолиси 100 мингдан ошган шаҳарларга айланади. Генуя, Болонья ва Веронада камида 50 мингдан зиёд аҳоли бўлган. Италия урбанизация нуктаи назардан ўша пайтдаги энг юқори давлат (20 фоиз) эди. Ўша пайтдаги Флоренция ва Венеция каби шаҳарлар “жаҳон молиявий ҳаётида, банк ишлари ва амалиётининг асосий инструментларини, ижтимоий ва иқтисодий ташкилотларнинг самарали шаклларни яратиб, инновацион рол ўйнаган”.

Аҳолининг жон бошига даромади XI асрдан XV асргача деярли уч баробарига ошган. Бу Ренессанс пайтида Италиянинг Ғарбий Европа иқтисодий маркази бўлганидан далолат беради. Ренессанс даврида Италия дунёдаги энг китобхон, бадиий адабиёти ривожланган давлатга айланган. Эркаларнинг учдан бири, аёлларнинг сезиларли қисми китоб ўқишни билган. Шаҳар давлат ва коммуналар ўзининг сиёсий мустақиллиги, урбанизацияси ва маданияти билан Европа (Франция ва Буюк Британия)дан фарқ қилган. XVI асрга келиб Жанубий Американинг кашф қилиниши, Африка ва Ҳиндистонга сув йўллариининг очилиши Нидерландия, Португалия ва бошқа Европа давлатларининг ривожланишини тезлаштириб юборди. Натижада Италия маданияти ва урбанизацияси Уйғониш ғояси таъсирида, бутун Европага тарқалдики, унда шаҳарлар, савдо-сотик, хунармандчилик, аҳоли сонининг ошиб бориши ва шаҳарларга кўчиши, фаровон ва бадавлат яшашга интилиш оммавий, минтақавий хусусият касб этди.

Европа минтақаси ўз фаолиятини маданий бойликларни қўлга киритиш, молиявий алоқалар орқали хизматлар турларини кенгайтириш, маърифатни, ихтирони ва кашфиётларни эъзозлаш, янги-янги ерларни ўзлаштиришга киришди. Шахсий ишчанлик, беором изланиш, тинмай такомиллик қидириш, ижтимоий-маданий тараққиётда ўз изини қолдириш истаги европаликларнинг ҳаёт тарзига айланди. Улар XVI асрдан бошлаб сайёҳлик катта бойлик келтиришини, шу сабабли янги ерларни очиш орқали шараф-шон топиш имкони эканини билдилар. Илм-фанга, билимга, ихтиролар қилишга бўлган меҳр, иштиёқ Маърифатпарварлик даврини бошлаб берди. Шу тарзда Маърифатпарварлик Италия Уйғониш (Ренессанс) даври анъаналарига таяниб, Европа маданияти ва цивилизациясини янги босқичга кўтарди. Ҳатто Европа цивилизациясига танқидий пессимистик қарашга мойил О.Шпенглер ҳам Уйғониш ва Маърифатпарварлик даврларининг Европа ижтимоий-маданий тараққиётидаги ўрнини тан олади, айнан ушбу икки йирик тарихий босқичнинг дунёга кенг тарқалган цивилизация яратилишида асос бўлганини таъкидлайди.

REFERENCES

1. Шпенглер О. Закат Европы: Очерки морфологии мировой истории.Т.2. Всемирно-исторические перспективы. -Минск: ООО “Попурри”, 1999. С.49.
2. Ўша асар. С.113.
3. Ўша асар. С. 114- 115.
4. Ўша асар. С. 118-119.
5. Ўша асар. 122- 123.
6. Ўша асар. С.136.
7. Қаранг: Ўша асар. С. 75-76, 136-137.
8. Қаранг: Каган М.С.Философия культуры. Санкт Петербург: “Лань”, 1997. С. 34- 48; Ерасов В.Л.История цивилизаций. Москва: Аспект Пресс, 1999.

9. Қаранг: Лосев А.Ф. Очерки античной эстетики и мифологии. Москва: “Республика”, 1997. С.234.
10. Вёрман К. История искусства всехвремен и народов. Искусство XVI - XIX столетий-- Москва: АСТ, 2001. С.16.
11. Ўша асар. С. 28.
12. Қаранг: Шпенглер О.. Закат Европы.-Новосибиркс: ВО “Наука”, 1993. С. 302-303.
13. (Брагина Л. Итальянский гуманизм эпохи возрождения. 2 е изд. --Москва: Юрайт, 2018. С.72.).
14. Қаранг: Андреев М.Л. Культура Возрождения.История мировой культуры. Наследие Запада. -Москва: Наука, 1998. С.312. 410.
15. Қаранг: ru. knowledgr. Com.
16. Қаранг: История Рима. Коллектив авторов.-Москва: Просвещение, 1978. С. 87- 143; Брагина Л. Итальянский гуманизм эпохи Возрождения. 2 е изд. -Москва: Юрайт, 2018. С.72.